Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 104 (8844). ● 24 май, 1986 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

• Ғўза парваришида ҳал қилувчи дамлар бошланди • Ҳар туп ниҳол эътиборда бўлсин • Культивация ва озиқлантириш ишларини сифатли ўтказиб, ерда намни узоқ сақлашга эришайлик • Ҳашаротга қарши курашда биологик усулни кенг қўллайлик • Сувдан тежамли фойдаланайлик • Далада ишлаётганлар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берайлик.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 22 май куни бўлиб ўтган мажлисида ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, совет кишилари партия XXVII съездининг қарорларига жавобан ҳамма жойда зўр меҳнат ғайрати ва ижодий ташаббускорликни намоён этмоқдалар, ишлаб чиқаришни интенсивлаш борасида партия белгилаган программанинг бажарилишини иш билан таъминлашга интилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш учун яхши негиз яратади. Бу мусобақа мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг, беш йиллик топшириқлари бажарилишининг таъсирчан омили бўлиб қолиши лозим.

Шаҳар ва қишлоқлардаги миллионлаб меҳнаткашларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини юксалтириш, биронта ҳам меҳнат ташаббуси эътиборсиз ва мададсиз қолмаслиги учун ҳамма ишни қилиш — мусобақанинг энг асосий вазифасидир. Социалистик мажбуриятлар тиғиз планлар тузишнинг жуда муҳим воситаси бўлиб қолиши керак. Корхоналар ҳамда ташкилотларда планлаштиришнинг, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг амалдаги системаси мажбуриятларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши лозим. Бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, янги техникани жорий этишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, меҳнат, хом ашё ва материалларнинг реал иқтисод қилинишига эришишга, шартнома мажбуриятлари, уй-жой ҳамда бошқа социал-маданий объектлар қурилиши планлари сўзсиз бажарилишига зўр эътибор бериш зарур.

Сиёсий бюро мусобақани авж олдириш учун иқтисодий, техникавий ва социал-маиший шароитларни вужудга келтириш соҳасида партия ташкилотларининг, барча босқичлардаги раҳбарларнинг вазифалари ошганлигини, расмиятчиликка, мусобақа якунларини тор доирада чиқаришдек нотўғри практикага қатъиян барҳам бериш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва ундан фойдаланиш борасидаги ишларни тубдан яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда информатика ва электроника марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланди. Ҳисоблаш техникаси соҳасидаги белгиловчи йўналишлар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, халқ хўжалиги учун истиқболли электрон ҳисоб машиналари, электрон техника буюмлари, ускуналар ва материаллар яратиш масалаларини комплекс ҳал этиш ана шу марказ зиммасига юкланади. Бу ишда марказ Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиёти комплекс программасини амалга оширишда қатнашаётган қардош социалистик давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан қалин ҳамкорлик қилади.

Сиёсий бюро илгари қабул қилинган қарорларни контрол қилиш тартибида СССР Марказий статистика бошқармасининг халқ хўжалиги барча тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий бўлган давлат статистика ҳисоботларини камайтириш борасидаги ишлар қандай давом этаётганлиги тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқди. Ҳисоботларнинг жами ҳажми тахминан икки баравар камайганлиги қайд этиб ўтилди. Аммо умуман, айниқса тармоқларга оид ҳисобот ҳамон жуда кўп бўлиб қолмоқда, уни ташкил этиш эса янада такомиллаштирилиши зарур. Шундай фактлар мавжудки, айрим партия ва совет органлари, министрликлар ва идоралар белгиланган тартибга қарамай, қўшимча кўплаб ҳисоботларни талаб қиладилар, хўжалик ташкилотларини ҳеч бир эҳтиёжсиз ҳисоботларга кўмиб ташлайдилар. Шу муносабат билан Сиёсий бюро партия комитетларидан, министрликлар ва идоралардан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларидан ҳисоботни янада камайтириш ва давлат статистикаси бутун ишини яхшилаш юзасидан қатъий чоралар кўришни талаб қилди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан олиб борган музокараларининг якунларини муҳокама этди. Москвада имзоланган ҳужжатлар — СССР билан РСР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси ҳамда 1986—1990 йилларда маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш программаси муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Икки томонлама муносабатларга оид масалалар, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи баъзи муҳим халқаро проблемалар юзасидан ўтказилган фикрлашувлардан мамнуният изҳор қилинди. КПСС билан РКП, Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга интилиш таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Португалия Компартияси Бош секретари А. Куньял билан учрашуви тўғрисидаги ахборотни тинглаб, унинг якунларидан келиб чиқадиган ҳамда тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда иккала партия ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган хулосаларни маъқуллади.

Сиёсий бюро совет раҳбарларининг Испания ҳукумати раиси Ф. Гонсалес билан учрашувлари ҳамда олиб борган музокараларининг натижаларини кўриб чиқиб, ана шу музокаларнинг амалий руҳда бўлғанлиги иккала мамлакат халқларининг манфаатлари, Европада ва ундан бошқа жойларда тинчликни, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, Совет Иттифоқи билан Испания ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтириш имконини беражагини уқтириб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳамда совет ташқи сиёсатини амалга оширишга доир бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ПИЛЛА—ДАВЛАТГА

БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ

БУ ЙИЛ Бекобод райони пиллакорлари 3600 қути ипак қуртини парваришлаб, шундан 202 тонна «кумуш тола» етиштиришга аҳд қилишган. Районнинг барча хўжаликларида мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Сўкчаклар, зарур асбоб-анжомлар вақтида тарқатилиб, қуртхоналар муддатидан илгари шай қилиб қўйилган эди.

Барча участкаларда барг етказиб берувчи махсус группалар тузилиб, уларга зарур техника воситалари ажратилди. Қурт боқувчилар озуқа ташвишини қилмасдан ўз ишлари билан машғул бўлдилар.

Пировард натижада район меҳнаткашлари биринчи бўлиб пилла топшириши бошлаб юбордилар. Ҳозирда 4 та хўжалик пиллакорлари бу ишни кун сайин авж олдиряптилар.

Районда тажрибали, донгдор пиллакорлар кўп. «Коммунизм» колхозидан Бувиниса Дўстматова бир қути қуртдан 82 килограмм, Ленин номли колхозидан Зулхумор Ҳайитова ҳар қутисидан 60 килограмм ўрнига 80 килограммдан, «Победа» колхозидан Адолат Алиқулова 1,5 қутидан 105 килограмм, Навоий номли колхозидан Олия Мусаева 1,5 қутидан 100 килограммдан қимматбаҳо «кумуш тола» топширдилар.

Шу кунларда район хўжаликларида пилла топшириш қизғин паллага кираяпти.

Э. ИСМОИЛОВ.

□ Калинин районидаги «Қорасув» совхози пиллакорлари қурт боқиш мавсумини муваффақиятли якунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Илғор пиллакорлар ўртасида ўзаро мусобақа авж олдирилди. Ўктам Поччаева мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У ўтган йили давлатга 110 килограмм пилла топшириб эди. Ўктам опа бу йил янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун тажрибаси, маҳоратини ишга солди. Суратда: Ў. Поччаева қизлари Зулфия ва Зуҳра билан пилла термоқда.

А. Абалян фотоси.

Маҳоратни ишга солиб

БЕРКИН ака Ёрқулов мана, 35 йилдирки далада меҳнат қилади. У етакчилик қилаётган бригада экинзорлари хўжаликнинг қир зонасига жойлашган бўлса-да деҳқонларнинг самарали меҳнатлари, ердан, техникадан, минерал ўғитлардан сувдан ва бошқа моддий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишлари туфайли ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Бу йил бригада аъзолари 110 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Уларнинг мақсади — ҳосилдорликни 33 центнерга етказиш. Шунинг учун ғўза парваришини агротехниканинг барча талаблари асосида ташкил этмоқдалар.

Бригадада тажрибали сувчилар кўп. Ҳазрат Турсунов, Барот Донобоев, Илёс Жабоев ва Исмоил Файзуллаевлар шулар жумласидандир. Айни пайтда улар ўзларининг бой тажрибаларини, маҳоратларини ишга солиб, ғўзани қондириб суғормоқдалар. Шу билан бирга Баҳодир Худойқулов, Холдор Эломонов ва Юсуф Ҳимматовлар сингари ёш сувчиларга мураббийлик қилишмоқда.

Механик-ҳайдовчилар барча ишларни сувчилар билан ҳамкорликда, бамаслаҳат ташкил этишмоқда. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериб, ернинг намини узоқ муддат сақлаб қолишга эришилмоқда. Механизаторлардан Қозоқбой Сатторов, Эргаш Шоимқуловлар бу ишларда алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Б. Ёрқулов етакчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари съездлар йилида зиммага олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар этмоқдалар.

Т. ИМОМОВ

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

НИҲОЛЛАР ПАРВАРИШГА МУҲТОЖ

ДЕҲҚОННИНГ тирикчилиги ер, сув, техника билан. Бу моддий ресурслардан оқилона фойдаланилса, айни кунларда экинларга ўз вақтида, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолдагина ишлов берилса куздаги хирмон баракали бўлади.

Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг раиси Тошмурод Тожиев, бош агрономи Паҳлавон Безгунов ўртоқлар бу оддий ҳақиқатни билишмайдими? Билишади. Керак бўлса улар сизга бу ҳақда соатлаб гапириб беришади. Лекин сўз билан ишнинг бошқача бўлаётганига ажабланасан, киши.

Хўжалик раҳбарлари ҳамма ерда чигитни ундириб олдик, энди парваришга зўр берамиз, ҳамма имкониятларни сафарбар қиламиз, мўлжалдаги ҳосилни, албатта, етиштирамиз, бунинг учун ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, парвариш қиламиз, деб ваъда берган эдилар.

Афсуски, ваъдаларга яраша иш қилинмаяпти. Колхознинг И. Юнусалиев, Ш. Ҳайдаров, Ҳ. Тешаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида бўлган киши экинларнинг аҳволини кўриб, юраги ачишиб кетади. Бу жойларда ғўзаларни озиқлантириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Механизаторлар агрегатларни пухта созламаганликлари, ер яхшилаб текисланмаганлиги учун ҳам культивация сифатсиз бўляпти. Далаларни бегона ўт босиб кетмоқда. Бунинг устига ягана кечикмоқда. Бир сўз билан айтганда ниҳоллар парваришга, деҳқон меҳрига муҳтож. Ўсишдан орқада қолаётган бундай майдонлар 80 гектарни ташкил этади.

Қуйбишев номли колхознинг (раиси Б. Ғаниев) Ж. Сафаров, «Коммунизм» колхозининг (раиси А. Илёсов) Ҳ. Қодиров, Д. Раҳматиллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ўсишдан орқада қолган ғўзалар анчагина гектарларни ташкил этади.

Вазифа — парваришни кучайтиришдан иборат. Акс ҳолда мўлжалдаги ҳосилни етиштириш амри маҳол бўлиб қолади. Ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши айни кунларда зарур тадбирлар кўрилишига боғлиқдир. Вақт ғанимат!

Қ. КАРИМОВ.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

ДЎСТЛАР БИЛАН БИРДАММИЗ

Бизда дўстларнинг бошига қулфат тушганда, уларга ёрдам қўлини чўзиш, ўзгалар дардига ҳамдард бўлишдек ажойиб анъана қарор топган. Мана шу кунларда Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун мамлакат билан биргаликда Чернобиль атом электростанциясидаги аварияни тугатиш, жабрланган кишиларга моддий ёрдам беришга ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

Республиканинг меҳнат коллективларида кўп кишилик митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Уларнинг қатнашчилари украиналик қардошларига ҳамдардлик билдириб, ўзлари ишлаб топган маблағни Чернобилга ёрдам фондига ўтказишга қарор қилмоқдалар.

Тошкент химия-фармацевтика заводининг меҳнаткашлари авария зонасида бўлган аҳолига ёрдам фондига маблағ ўтказиш учун бир кун ишлаб беришга якдиллик билан қарор қилдилар. Қаҳрамон она, корхона аппаратчиси Г. Мўйдинова митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб шундай дейди:

— Бундан 20 йил муқаддам минг-минглаб тошкентликлар вайронгарчилик келтирган зилзила натижасида оғир аҳволда қолган эдилар. Биз мамлакатнинг турли томонларидан одамлар, ёрдамга келганини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бинокорлик материаллари ортилган вагонлар кетма-кет жўнатилганлигини яхши эслаймиз. Тошкент барча иттифоқдош республикаларнинг ёрдамида қайта бунёд этилди, янада гўзаллашиб кетди. Ҳозир эса Украина диёрида кулфат юз берди ва биз, Ўзбекистон пойтахти аҳолиси, украиналик қардошларимизга ёрдам қўлимизни чўзаяпмиз.

Тошкент тракторсозлари, чинни заводи, кўпгина қурилиш ташкилотларининг коллективлари ҳам Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авария оқибатларини тугатишда моддий ёрдам беришга қарор қилдилар.

Митинг ва йиғилишларнинг қатнашчилари Ғарб пропагандасининг Чернобиль атом электр станциясида рўй берган аварияда советларга қарши янги игвоғарлик кампаниясини авж олдириш учун фойдаланаётганликларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирдилар ва Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббусларини қизғин маъқулладилар. Бу ташаббуслар инсониятни ядро уруши хавфидан халос этишнинг реал жараёнини ҳеч кечиктирмай бошлаш имкониятини беради.

(ЎзТАГ).

МУРАББИЙ

БАХТИЁР Жўрабоев касбга садоқат, меҳнатсеварлик бобида фақат ўз цехидагина эмас, балки бутун «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ном қозонган ишчилардан биридир. Бирлашмадаги меҳнат ветеранлари уни дастлаб корхонага оёғида солдат этиги, эгнидаги гимнастёркасига комсомол нишонини тақиб кириб келганини яхши эслашади. Шундан буён етти йил вақт ўтибди. Бу орада йигит коллективда униб-ўсди, корхонани иккинчи уйим деб, унинг шарафи учун курашди. «Хўш, ҳаётингизда яна қандай муҳим воқеалар юз берди?» деб сўрасангиз, Бахтиёржон ғурур билан бундай дейди:

— Коммунистик партия аъзоси деган буюк шарафга мушарраф бўлдим. Бу сўзни алоҳида қаяжон билан айтаётганимнинг боиси бор. Чунки, мен коммунистлар партиясига аъзоликни ҳалоллик, поклик, топширилган ҳар бир иш учун юксак масъулият туйғусини ҳис этиш деб тушунаман. Ишлаб чиқаришда ва ҳаётда ана шуларга қатъий амал қилган кишигина коммунист бўла олади.

Б. Жўрабоев меҳнат қилаётган коллективда ҳар икки кишининг бири ленинчи коммунистлар партиясининг аъзосидир. Улар партияга аъзоликдек юксак шарафни ўзларининг қундалик амалий ишлари, меҳнатда янги кўрсаткичларга эришиш билан оқлаб келмоқдалар. Бригада аъзолари янги беш йиллик биринчи квартали ва тўрт ойлик планларини ошириб бажариб қўйганликларига қарамай, ютуқлар ҳақида гапиришни хуш кўрмайдилар.

ИШЧИ—ШАРАФЛИ НОМ

— Муваффақиятлар ўз йўлига,— дейди Б. Жўрабоев,— аммо, ҳаёт муаммоларини ҳал этмоқ учун партия XXVII съездида илгари сурилган ғояларни тўла-тўкис амалга оширмоқ керак. Шундай муаммолардан бири корхонани техник жиҳатдан қайта қуроллантиришдир. Жумладан, биз ишлаётган цехда бундан 25—30 йил бурун ўрнатилган, маънавий ва жисмоний эскирид қолган аппаратлар, машина-механизмлар мавжуд. Агар уларни янгиласак биз ишлаб чиқаришда янада кўпроқ самарадорликка эришамиз, меҳнат ютуқларимиз ҳам ҳозиргидан икки-уч ҳисса ортиқ бўлади.

Бундай масалаларни Бахтиёржон цех партия группорги, қоларверса корхона партия комитетининг аъзоси сифатида бир неча марта ўртага қўйди. У район партия конференциясига делегат бўлиб борганида ўз нутқида технологик жараёнларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида диққатни қаратди. Ҳозир энг муҳими, ана шу проблемалар биринкетин ҳал этилмоқда.

Б. Жўрабоев ҳақида бригада етакчиси, Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Р. Усмонов бундай дейди:— Бир пайтлар Бахтиёр Жўрабоев коллективимизга шогирд бўлиб ишга келган эди. Бугунги кунда унинг ўзи устоз, моҳир ишчи, ажойиб мураббий бўлиб ёш ишчиларга касб сирларини ўргатмоқда.

Янги таҳрирдаги партия Программасида коммунистнинг халққа хизмат қилишдан ҳам улуғроқ имтиёзи йўқлиги алоҳида уқтириб ўтилган. Ишлаб чиқариш илғори Б. Жўрабоев бугунги кунда ана шу коммунистик наказни тўла ҳис этган ҳолда чуқур масъулият билан меҳнат қилмоқда.

К. МЕЗЕНЦЕВА.

НАВБАТЧИЛАР

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхозининг Абдуқаҳҳор Исроилов бошлиқ 6-механизациялашган бригадаси аъзолари бу йил 147 гектар майдонга чигит экишган. Гектаридан 31 центнердан ҳосил олиш иштиёқи билан далага отланган пахтакорлар шу кунларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш, кўчатларнинг бут бўлишини таъминлаш мақсадида зарур тадбирларни амалга оширяптилар.

Айниқса бригада механизаторлари Одил Темиров, Собир Тошбоевлар мурғак ниҳолларни культивация қилишни намунали ўтказмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 6—7 гектардаги ғўзаларга ишлов берянти.

Авжи паст пайкаллардаги кўчатларни культивация қилиш билан бирга гектарига 300 килограммдан аммофос бериб озиқлантириляпти.

Ортиқ Туронов, Обид Худойбердиев, Рафиқ Байрамов сингари сувчилар ғўзанинг қони ҳисобланган обҳаётнинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланяптилар.

У. МУҲАМЕДОВ.

Транспортчилар ҳиммати

Чирчиқдаги кўпгина саноат ва транспорт корхоналари коллективлари Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатидан зарар кўрганларга ёрдам бериш ҳаракатига бажонудил қўшилмоқдалар. Автобус-таксомотор парки транспортчилари шаҳарда бу ҳаракат ташаббускорларидан бўлишди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан парк бош инженери Э. Йўлдошев, автомобиль слесари С. Апазов, Улуғ Ватан уруши ветерани Б. Трестин ва бошқалар авария оқибатларини тугатишга ёрдам бериш барча ишчи-хизматчиларнинг интернационал бурчи эканлигини алоҳида таъкидладилар. Улар касбдошларини республика турдош корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақани шу йил биринчи квартали якунлари бўйича учинчи ўрин учун олинган пул мукофотини ёрдам фондига юборишга чақирдилар.

Барча ишчи-хизматчилар бу таклифни бир овоздан маъқуллашди. Коллектив олинган мукофот—2450 сўмни ёрдам фондига юборишга якдиллик билан қарор қилди.

40 минг сўм юборилади

Чернобиль атом электр станциясида содир бўлган аварияни янгийўлликлар ўз бошларига тушган мусибатдек қабул қилдилар. Шаҳарда шу кўнгилсиз ҳодиса оқибатида кўрилган зарарни қоплашга ёрдам бериш юзасидан ҳаракат бошланиб кетди. «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2503-автоколонна ишчи-хизматчилари, шаҳардаги медицина муассасалари ходимлари шу ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорлари бўлдилар.

Бу коллективларда митинглар бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари бир кундан ишлаб бериш ва шу куни тушган иш ҳақини Чернобилга ёрдам фондига юборишга аҳд қилдилар.

Шаҳардаги барча меҳнат коллективлари бу ташаббусга қўшилдилар. Шу йилнинг 31 май куни умумшаҳар шанбалиги бўлиб ўтади. Унда 20 мингдан ортиқ нафар ишчилар, қурувчилар, транспортчилар, ташкилотчилар ва муассасалар ходимлари иштирок этадилар. Хомаки ҳисобларга кўра 40 минг сўмлик атрофида иш ҳақи тушади ва унинг ҳаммаси авария оқибатларини бартараф этиш юзасидан ёрдам фондига ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалигида кўп йил самарали ишлаганлиги ва районнинг жамоат ҳаётида актив қатнашаётганлиги учун Тошкент область Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози правлениесининг раиси ўртоқ Жўра Очиловни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРТИЯ САФЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КОМСОМОЛДА ЧИНИҚҚАН

Алишер совхозга институтни тамомлаб келган эди. Ўшанга ҳам ҳозир уч йилдан ошиб қолди. Бош агроном биринчи сухбатдаёқ бу йигитнинг тийраклигини, мушоҳадаси кенглигини билиб олди. Унга ишонса бўлади. Мутахассислиги ҳам совхоз раҳбарлари ўйлаган ишга мос келади. Энди шу йигит бошчилигида биолаборатория ташкил этишга киришса бўлади.

Биолаборатория ҳақидаги гапни эшитгач Алишер ўзида йўқ суюниб кетди. Чунки, кўпгина хўжаликларда ҳашаротга қарши кураш аллақачон биологик усулда бошланиб кетган эди. Бу совхозда эса шу пайтгача ҳатто лаборатория ҳам ташкил этилмабди. Янги лабораторня очилса кўнгилдагидек иш бўлардида.

— Бунинг учун эскироқ бир бинони кўз остига олиб қўйганмиз, — деди бош агроном. — Шуни ремонт қилиб, лабораторияга мослаш керак. Ёшларни ўзингиз ташвиқот қилиб, ҳашар уюштирасиз. Чунки, совхозда ортиқча ишчи кучи ҳам, қурилиш материаллари ҳам йўқ. Бу сизга биринчи топшириқ. Агар уддасидан чиқсангиз ишончимизни оқлаган бўласиз.

Биринчи топшириқ... Алишер совхозда янги одам бўлганлиги учун ҳам ишчиларнинг кўзи унда эди. Нимага қодирлигини бажарган ишига қараб баҳолашлари аниқ. Шунинг учун қандай қилиб бўлса-да, биолабораторияни тезроқ ташкил этиш, трихограммалар мўъжизасини деҳқонларга кўрсатиш керак.

Алишер эрта тонгдан кеч тунгача лаборатория қурилишида бўлди. Биологияга қизиқувчи ёшларни ишга тортди. Биргаликда бинони ремонтдан чиқаришди, ускуналар ўрнатишди, уруғ қўйишди.

— Лаборатория ишига энди ўзингиз раҳбарлик қилаверасиз, — деди бош агроном. — Лаборантликка тўртта штат ажратганмиз. Қўлидан иш келадиган кадрларни ишлаб топинг. Фақат иш тезлашсин. Ҳашарот карам ва помидорга катта зарар келтираяпти. Трихограммани барвақтроқ экинзорларга қўйишимиз керак.

Биолабораторияда дастлаб 6 килограмм трихограмма тайёрланди. Деҳқонлар олдинига бу ҳашаротнинг фойда беришига ишонқирамай қаришди. Йўқ, уларнинг гумони ўринсиз эди. Трихограмма карам ва помидор экилган майдонларга қўйилгач, капалак қурти ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Шундан кейин трихограмманинг ишқибозлари кўпайди. Ҳатто, қўшни «Назарбек» совхозидан ҳам биолабораторияга буюртмалар тушди.

Совхоз комсомолларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Алишер Ҳожихонов бошлиқ лаборатория ёш ходимларн бажараётган хайрли ишлар муносиб баҳоланди. Нотиқлар Алишернинг ишчанлигидан, уддабуронлигидан мамнун бўлиб гапиришди, ташкилотчилик қобилиятини таъкидлашди. Шу йиғилишда совхоз комсомол комитети секретарлигига Алишернинг номзоди қўйилганида ҳамма йигит-қизлар якдил бўлиб, унга овоз беришди. Чунки, ёш мутахассис коллектив синовларидан энди муваффақиятли ўтган, билдирилган ишончни тўла оқлаган эди.

Совхоз комсомол ташкилоти ҳисобида 90 нафар йигит-қиз бор эди. Лекин уларнинг бир қисми қовушмаган, тарқоқ эди. Биринчи навбатда ёшларни коллектив бўлиб ишлашга ўргатиш керак. Шу мақсадда Алишер комсомоллардан иборат звенолар тузишни таклиф этди.

Партия турмуши

Дастлабки звено марказий участкада тузилди. Унга 5 киши бирлашиб, актив комсомоллардан Шомаҳберди Бекетов раҳбарлик қила бошлади. Ёшлар 18 гектар ерга эртаги экинларни барвақт экиб ҳосилни тезроқ етиштириш чораларини кўрдилар. Иш пудрат усулида ташкил этилди. Қайта қуриш даврида ўз самараларини берди.

Комсомол комитети секретари ёшларнинг меҳнат активлигини ошириш билан бирга уларнинг дам олишини уюштириш устида ҳам тинмай қайғураяпти. Совхоз ёшларидан тузилган футбол командаси, ашула ва рақс ансамбли район биринчилигида ғолиб чиқди. Ҳар оқшом клуб саҳнасида ёшлар ўз санъатларини намойиш этмоқда, стадионда ўзаро куч синашмоқдалар.

Китобсевар ёшлар учун ҳам барча шароитлар муҳайё қилинди. Совхоз кутубхонаси бу йил анча кенгайди, китоб фонди бойиди. Дала шийпонларида кўчма кутубхоналар ташкил этилди. Бу ишларнинг ҳаммасига партия аъзолигига кандидат Алишер Ҳожихонов бош-қош бўлаяпти.

— Партия ташкилотимиз ҳисобидаги коммунистларнинг тўрт нафари аъзоликка кандидатдир, — дейди «Москва» совхози партия комитети секретари Иэбосар Жўлтоев. — Уларнинг ҳар бирига аниқ топшириқлар берилган. Партия топшириғи аъзоликка кандидатлар активлигини янада оширишга, чиниқтиришга катта ёрдам бераяпти.

Партия аъзолигига кандидатлардан биолаборатория мудири Алишер Ҳожихонов комсомол ташкилотига раҳбарлик қилаётган бўлса, сут соғувчилардан Муқаддам Тўлаганова ферма цех комсомол ташкилоти секретари сифатида ёшлар ўртасида актив иш олиб бораяпти. Зубайда Серикбоева «Чорвадорлар овози» деворий газетаси редколлегиясига аъзодир. Айни пайтда у фермада олиб борилаётган идеология ишлари учун ҳам масъулдир.

Зубайданинг таклифи билан сут соғувчилар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб борилаяпти, ғолиблар шарафига Меҳнат Шуҳрати байроғи кўтарилаяпти. Кейинги беш кунликда Бўтакўз Еримбетова ғолиб чиқди. Байроқ унинг шарафига кўтарилди.

Муқаддам Тўлаганова ва Зубайда Серикбоева партия аъзолигига кандидатликка қабул қилингач, ферма коммунистлари сони 5 кишига етди. Бу ерда партия группаси тузилди. Группа аъзолари сут-гўшт етиштиришни кўпайтириш устида алоҳида қайғурмоқдалар. Ҳозир ферма чорвадорлари кун сайин плаидаги 1192 килограмм ўрнига 1250 килограмм сут топширмоқдалар.

Партия аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистларнинг ҳаммаси комсомолда чиниққан йигит-қизлардир. Улар барча участкаларда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Ёшлар ҳиссаси билан совхоз ишлаб чиқариши ривожланиб бораяпти. Бу йил 8 минг тонна сабзавот, 1200 тонна картошка, 420 тонна сут ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун қизғин кураш кетаяпти.

Ҳозир эртаги экинлар ҳосили пешма-пеш йиғиштириб олинмоқда. Янги беш йилликнинг биринчи йилида ҳосил хирмони ҳар қачонгидан баракали бўлаяпти. Бу партиямиз XXVII съезди қарорлари асосида ишни қайта қуриш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш самарасидир.

Ж. НОСИРОВ,
Калинин райони.

• ЭРТАГА—ХИМИКЛАР КУНИ •



ЧИРЧИҚДАГИ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи химиклар кунини муносиб кутиб олмоқда. Улар ҳосил хамиртуруши — минерал ўғитлар ишлаб чиқариб, деҳқонларга мададкор бўляптилар. Бирлашмани илғор ишчилари — аппаратчи Зера Иброҳимова ва технологик ускуналар бўйича мутахассис Ғафур Соатовлар ўзларининг анъанавий касб байрамларини меҳнатда юксак муваффақият билан кутиб олмоқдалар. Ҳар икки пешқадам зиммасидаги вазифани аъло бажариш билан ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.
В. Сироткин фотолари.

МЕҲНАТИМИЗ ЧИРОЙ БАХШ ЭТАДИ

МАМЛАКАТИМИЗ экономикасини ривожлантиришда химия саноатининг ҳам салмоқли ўрни бор. Эртага химиклар ўзларининг анъанавий касб байрамларини нишонлайдилар. Тошкентдаги лак-бўёқ заводи тармоқ корхоналари орасида пешқадам ҳисобланади. Қуйида завод директори Мурод САЙДАЛИЕВ коллектив қўлга киритаётган муваффақиятлар ва олдинда турган катта вазифалар ҳақида ҳикоя қилади:

— ЛАК-БЎЁҚ заводи бундан 41 йил муқаддам ишга туширилган. Ўшанда кичик-кичик цехлардан иборат заводда бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот бугун бир кунда тайёрланган маҳсулот ҳажмига тўғри келади. Йиллар давомида корхона кенгая борди, янги-янги цехлар ишга туширилди ва ишлаб чиқариш ҳажми орта борди.

Ўтган беш йилликда барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича план-топшириқлар ошириб бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди — йилига 53 миллион сўмликдан 73,2 миллион сўмликка етди. Меҳнат унумдорлиги ўсиши 35,1 процентни ташкил этди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили ҳам яхши бошланди. Ўтган тўрт ойда маҳсулот ишлаб чиқариш планини 103,4 процент, уни реализация қилишни 102,2 процентга бажардик. Заводда шу кеча-кундузда 60 хил ассортиментда лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бир қаторда қўплаб пигментлар ҳам тайёрланиб мамлакатимизнинг турли чеккаларига жўнатилмоқда. Шунингдек, жаҳондаги 10 мамлакатга «Тошкент лак-бўёқ заводи» тамғаси туширилган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Заводда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган беш йилликда Венгриядан келтирилган лак-бўёқ материалларини автоматик усулда қуйиб берадиган 3 та линия ўрнатилди. Шу йилнинг бошидан Германия Федератив Республикасининг «БЛЕМА» деб номланган автомат линиясини ишлатяпмиз. Бу линияда бўёқ солинадиган кичик ҳажмли банка идишлар тайёрланади. У бир соатда 1,5 мингта банка ишлаб чиқариш қувватига эга. Банкаларни картон яшчикларда истеъмолчиларга етказиб беришга чек қўйилди. 1983 ва 1985 йилларда ишга туширилган иккита автомат машина банкаларни олти доналаб полиэтилен плёнкаларга ўраб бермоқда. 1984 йилдан лак ишлаб чиқаришида технологик жараённи автоматик бошқарув системаси (АСУТП) қўлланила бошлади. Бу янгилик йилига 55 минг тонна лак тайёрлаш имконини беради. Натижада лак ишлаб чиқариш йилига 5 минг тонна кўпайди. Унинг иқтисодий самараси эса 910 минг сўмни ташкил этади. Худди ана шундай технологияни 1986—1988 йилларда эмаль цехида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу эса эмаль ишлаб чиқаришни 5—8 минг тонна ошириш имконини беради. Шунингдек, реконструкция планига кўра беш йиллик охирида 3-цехнинг юк ташиш участкасида АСУТП ишга туширилади, кенг истеъмол буюмлари цехидаги тегирмонлар алмаштирилади, лак цехида учта янги реактор ўрнатилади. Бу тадбирлар натижасида маҳсулот сифати янада яхшиланади.

Социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш, натижаларнинг ошкоралигини таъминлаш муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Ҳар ойда мусобақага якун чиқарилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ўтказилган 27 зарбдор ўн кунликларда барча цех, участка, бригадалар коллективлари актив қатнашди: Юрий Силантьев, Мирзамурод Каримов, Григорий Силютин, Михаил Теплицкий етакчилигидаги бригадалар ғолиблар сафидан ўрин олишди. Бу коллективларнинг айримлари съезд очиладиган кунни икки ойлик планни бажариш билан кутиб олдилар. Шахсий беллашувда Сергей Дреев, Миркомил Иноятов, Людмила Кокорина, Арслан Мингазов, Александр Гаврилов, Сергей Вергун сингари пешқадамлар намуна кўрсатдилар.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг иш сменасидан кейин кўнгилли дам олишлари учун шароит яратиб бериш корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотларининг доимий диққат-эътиборидадир. Меҳнатда ўрнак кўрсатган ишчиларга дам олиш уйлари, санаторий ва курортларга имтиёзли путевкалар берилди. Ҳар йили корхона ишчи-хизматчиларидан 180 нафари Иссиқкўлдаги «Геолог» пансионатида, 20 га яқин киши Кисловодскдаги «Химик», 10 га яқин киши Кавказдаги «Аза» пансионатлари ва бошқа ўнлаб дам олиш уйлари, санаторийларида ҳордиқ чиқариб саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Янгийўл районида эса заводимизнинг дам олиш зонаси бор. Ҳар шанба ва якшанба кунлари бу ер жуда гавжум бўлади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш илғорлари туристик путевкалар билан чет элларга борадилар. Ишчиларга яратилаётган шароитдан уларнинг фарзандлари ҳам четда қолишмайди. Кичкинтойлар корхона ҳузуридаги боғчага қатнашади, пионер ва ўқувчилар эса Оқтошдаги «Химик» пионер лагерида ёзги таътилни мароқли ўтказадилар.

Буларнинг барчаси охироқибатда завод цехларидаги меҳнатнинг самарали бўлишига, план ва мажбуриятларнинг ошириб бажарилишига олиб келмоқда. Бизнинг меҳнатимиз маҳсули бўлмиш бўёқлар эса маданий-маиший, турар-жой биноларига пардоз беради, чирой бахш этади. Ўн иккинчи беш йилликда ҳам техник иқтисодий тадбирлар социал-маиший шароитларни яхшилаш билан омихта амалга оширилаверилади. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларни касб байрами — химиклар куни билан табриклайман.

Ватанпарвар ёшларни тарбиялайлик

ОБЛАСТЬ ДОСААФ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Тошкент область ДОСААФ комитетининг бўлиб ўтган пленумида КПСС XXVII съезди якунлари ва Тошкент область ДОСААФ ташкилотлари вазифалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Шу ҳақда доклад қилган Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитети раисининг ўринбосари М. А. Шмелев ва доклад юзасидан музокараларда қатнашган Тошкент шаҳар ДОСААФ комитети раиси И. Н. Мирзамуҳамедов, Пискент район ДОСААФ комитети раиси Р. В. Халикова, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ДОСААФ бошланғич ташкилоти раиси М. Н. Ханутин, Янгийўл автомобиль мактаби бошлиғи ўринбосари Т. Д. Ҳолдоров, Коммунистик район ДОСААФ комитети раиси А. Р. Нодировлар шуни таъкидладиларки, ДОСААФ мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларни социалистик Ватан ҳимоясига тайёрлашда Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флотининг актив равишда кўмаклашувчи ишончли резервидир.

Ана шу вазифани ҳал этишга ҳисса қўшиш йўлида Тошкент область кўнгилли жамияти ташкилоти муайян ишлар қилмоқда. 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик якунлари ҳам шундан маълум даражада далолат беради.

Ёшларни СССР Қуролли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш, халқ хўжалиги учун кўплаб техник мутахассислар етказиб бериш бир мунча яхшиланмоқда. Мутахассислар тайёрлаш планлари бажарилмоқда. Чирчиқ, Янгийўл, Тошкент шаҳарлари, Оржоникидзе, Пискент ва бошқа районларда техник ва ҳарбий-амалий спорт турлари машғулотларида ёшлар тобора кўпроқ қатнашмоқдалар. Тошкент область мудофаа жамияти спортчилари республикада етакчи ҳисобланишади.

Лекин, умуман олганда область ДОСААФ ташкилоти фаолияти ҳали давр талабларига жавоб бермаяпти, КПСС XXVII съездида қўйилган юксак вазифалар даражасида эмас. Бунга эришиш учун ишларни тубдан қайта қуриш, ҳар бир ходимнинг ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, ҳамма жойда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш керак.

Кўнгилли ташкилотнинг кўпгина бўғинларида сусткашлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик кайфияти ҳукм сурмоқда. Оққўрғон, Бекобод, Ғалаба ва бошқа район ДОСААФ ташкилотларида СССР Қуролли кучларида хизмат қилишга кадрлар тайёрлаш, техник ва ҳарбий-амалий спорт турларининг оммавийлигини ривожлантиришда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни шу билан изоҳлаш мумкин. Кўпчилик район ташкилотларининг моддий-техника ва ўқув базаси мустаҳкам эмас.

ДОСААФ область ташкилотининг қуйи органларга раҳбарлик қилишда иш услуби эскилигича қолмоқда. Кадрлар сиёсатида ҳам кўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Оқибатда ташкилот бўлинмаларига тасодифий кишилар ҳам кириб қолмоқда. Улар кўпроқ шахсий манфаатларини кўзламоқдалар, қўшиб ёзиш, иш аҳволини бўяб кўрсатишдан ҳам қайтмаяптилар.

Кўпгина ДОСААФ комитетларида тарбиявий ишларга юзаки қаралмоқда. Ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида ўтказилаётган конференциялар, суҳбатлар ҳамда кечаларда фақатгина активлар иштирок этишади, кенг меҳнаткашлар оммаси жалб қилинмайди.

Қатор шоферлар тайёрлаш мактабларида СССР Қуролли кучлари ҳамда халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар етказиб беришга етарли аҳамият берилмаяпти. Жумладан, Ангрен, Келес, Бекободдаги автомобиль мактабларида, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик, Собир Раҳимов спорт техника клубларида шундай аҳвол ҳукм сурмоқда. Юқорида номлари саналган мактаблар ва клубларни битириб чиққанларнинг бор йўғи 20—30 процентгина имтиҳонларни зўр-базўр топширишмоқда. Бунинг оқибатида областда талабаларнинг 50—55 проценти ГАИда биринчи имтиҳон топширишда йиқилмоқда.

Бундай ачинарли аҳвол яна шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, айрим мактаб ва спорт-техника клубларида тарбиявий ишлар бўшашиб кетган, назорат ва қаттиқ талабчанликнинг йўқлиги натижасида айрим инструктор ва ўқитувчилар меҳнат интизомини бузишмоқда. Ўрта Чирчиқ спорт-техника клуби ўқитувчиси В. Рибалкин, шу клубнинг мастери М. Епиллаев, Қибрай автомобиль мактаби мастери Ж. Наниевлар маст ҳолатда автомобиль транспортини бошқарганлар. Бунинг учун улар тегишли жазо олдилар. Бекобод автомобиль мактаби мастери Ҳ. Ҳатамов ва Ўрта Чирчиқ район спорт-техника клуби бошлиғи М. Пўлатовлар эса йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузганликлари учун жарима тўлашди.

Пленумда область ДОСААФ комитети ўз фаолиятини КПСС XXVII съезди қарорлари асосида қайта қуришни бутун чоралар билан тезлаштириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва такрорламаслиги учун барча тадбирларни кўриши лозимлиги алоҳида уқтирилди. Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко сўзга чиқди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Ю. И. Утенков Тошкент область ДОСААФ комитети раиси этиб сайланди.

МУТТАСИЛ ШУҒУЛЛАНАМИЗ

Совет кишилари психологиясини, фикрлашини тубдан ўзгартириш, уларда коммунистик хислатларни, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришдек масъулиятли вазифа ўртага қўйилган ҳозирги вақтда идеология ишининг барча соҳаларини, шу жумладан, атеистик тарбияни янада юксак даражага кўтариш талаб этилмоқда. Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозида бу соҳада қандай ишлар олиб борилмоқда? Шу ҳақда совхоз директори Я. ИСМАТОВ қуйидагиларни гапириб берди.

— Маълумки, XXII область партия конференциясида бизнинг Оҳангарон районида меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта камчиликлар мавжудлиги кескин танқид қилинган эди. Бизга ҳам тааллуқли бу танқиддан тегишли хулоса чиқариб олдик.

Совхозимизда ҳар ойнинг биринчи пайшанбасида атеистлар куни ўтказилмоқда. Шу куни барча агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг лекторлари, пропагандистлар, улар билан бирга партия активлари, совхоз раҳбарлари ва мутахассислари ҳам меҳнат коллективларида, аҳоли яшаш жойларида, дала шийпонларида, фермаларда бўлиб, атеистик мавзуда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Айни вақтда турли атеистик темадаги кечалар уюштирилаяпти. Бундай кунлар ва кечаларда лекторлар билан тингловчилар ўртасида очиқ мулоқот бўлади, меҳнаткашлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар оладилар.

Динга ишонувчилар билан яккама-якка иш олиб бориш ҳам тобора кенгроқ йўлга қўйилмоқда. Тарбия бу усулининг катта аҳамиятга эга эканлиги партиямиз XXVII съездида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Яккама-якка суҳбатлашиш йўли билан динга ишонувчиларнинг айримлари эскилик сарқитларидан халос бўлмоқдалар. Фикримнинг далили учун шундай мисол келтирмоқчиман: авваллари рўза пайтида одамларнинг ишга чиқиши сусаярди, оқибатда меҳнат унумдорлиги пасайиб кетарди. Бу йил эса ундай бўлмаяпти. Хўжалигимизда ишлаб чиқариш одатдаги вақтлардагидек давом этмоқда.

Биз инсоннинг ҳалол меҳнатини қадрлаш, ҳурмат қилиш, тақдирлаш билан боғлиқ бўлган кўпгина тадбирларни амалга ошириямиз. Айниқса, касб байрамлари тантанали, эсда қоларли қилиб ўтказилмоқда. «Қишлоқ хўжалик ходимлари куни»,

АТЕИСТИК МАВЗУДА

«Мелиораторлар куни», «Озиқ-овқат ходимлари куни» ва бошқа шу каби касб байрамларида ишлаб чиқариш илғорлари шарафланмоқда, улар кўпчилик олдида моддий ва маънавий рағбатлантирилаяпти. Бадиий ҳаваскорлар меҳнаткашлар хизматида бўлмоқда, касб моҳияти билан боғлиқ бўлган суҳбатлар ўтказиляпти.

Совхозимиз ёш деҳқонлари ўртасида «Ўз касбининг устаси» номини олиш учун кўрик-конкурслар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бунда барча касбдаги меҳнаткашлар ўз маҳоратларини, ҳатто маданият, адабиёт, оилани бошқариш соҳасидаги билимларини ҳам намойиш этадилар. Кейинги вақтларда ёш соғувчилар, механизаторлар ўртасида шундай кўрик-конкурслар ўтказилди.

Совхозимиз территориясида учта қабристон бор. Уларда жамоатчилик комиссиялари фаолият кўрсатяпти. Бу комиссиялар аъзолари қабристонларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, тартибга келтириш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Шу йилнинг 30 мартидаги Хотира кунида барча қабристонларда митинглар ўтказилди, марҳумлар хотиралари ёдга олинди. Каттаю-кичик, кексаю-ёш, барча меҳнаткашлар қабристонларни ободонлаштиришда қатнашдилар. Жамоатчи комиссияларнинг куч-ғайрати билан дафн маросимларини ўтказишда эскилик сарқитларига амал этиш, кўплаб чиқим қилиш ҳоллари ҳам камайди.

Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, атеистик тарбия соҳасида олиб боратётган ишларимиз ҳамон давримиз талабларига тўла жавоб бермаяпти. Бу муҳим соҳада жуда кўп камчиликлар ва нуқсонлар бор. Айниқса, атеистик темадаги лекция ва суҳбатларимизда таъсирчанлик ва ҳужжатлилик етишмаяпти. Биз диннинг, шу жумладан ислом динининг реакцион моҳиятини очиб берувчи адабиётлар, диафильмлар, кўргазмали агитация ва бошқа шу каби воситаларга мухтожмиз.

Атеистик тарбия бир кунлик ёки бир йиллик иш эмас. Уни мунтазам олиб бориш талаб қилинади. Мутасадди нашриётлар тегишли адабиётларни кўпроқ чоп этишлари лозим. Бу давр талаби бўлиб қолди.

Совхозимиз меҳнаткашлари олдида бу йил катта вазифалар турипти. Биз сабзавотчилик ва чорвачиликни янада ривожлантиришимиз, шу тармоқларда маҳсулот етиштиришни муайян даражада кўпайтиришимиз керак. Бу вазифаларни идеологик жиҳатдан таъминлаш, айниқса, атеистик пропагандани янада кучайтириш ишимизга албатта ижобий таъсир кўрсатади. Биз буни доим эсда сақлаймиз, шу муҳим иш билан муттасил шуғулланамиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ!

«ОЛСА, СТОЛИМНИ ОЛАДИ-ДА»

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕДАКЦИЯГА телефон қилишди. Куйбишев районидаги 2-Урицкий кўчасида беш кундан бери ер остидан водопровод суви отилиб ётганлигини хабар қилишди. Шу кўчада истиқомат қилувчи аҳоли райондаги 1-ремонт эксплуатация цехига шикоят қилганларида «эртага албатта тузатамиз» дейишган. Аммо...

...Эрталаб соат 9. «Водоканал» трести сув тармоқлари бошқармасига қарашли 1-цех бошлиғи Шарофиддин Имомовнинг хонаси.

— Шикоят бўйича келдим, 2-Урицкий...

— Уф, қайси бирини қилишни ҳам билмайсан, кишиларга, эртага бригада боради, деб айтгандим-ку! Яна шикоят...

— Эртага, эртага деб, қуруқ ваъда бераётган экансизлар, у ерда эса олти кундан бери истеъмол суви бекорга оқиб ётибди...

— Бекорга, бекорга! — тутақди бошлиқ. — Кечаси билан тиним билмайман, уйқу нималигини эсдан чиқариб қўйдим. Яна бунақа шикоятлар ортиқча!..

Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Қўнғироқлар ҳам жонга тегиб кетди, — дея бошлиқ трубкани кўтарди. — Алло, яна сизми, вой акажон, кеча айтдим-ку, бугун боради деб, мана ҳозир газетадан одам келиб ўтирибди. «Срочниймиш». Возможностим бўлмаса ҳам ҳозир шу ерга бригада юбораман. Сизники энди эртага қолади.

Юқоридаги адресдан авария тўғрисида қачон хабар қилингани, ким қабул қилиб олгани билан қизиқдик.

— Бизда заявкалар доим регистрация қилиб борилади, — бамайлихотир деди бошлиқ. — Хўш, 2-Урицкийдан 19 май соат 11 дан 15 минут ўтганда хабар қилишган, уни навбатчи диспетчер Маматказин ёзиб олган.

Ёлғон. Бу ҳақда ремонтчиларга 18 май куни эрталаб хабар берилган, эртаси куни яна қўнғироқ қилишганда навбатчи диспетчер «кеча бу кўчадан ҳеч қандай ариза тушмаганлиги»ни айтган.

Бошлиқ сергак тортди.

— Бўлмаган гап. Ёлғон бу. Менинг йигитларим бундай қилишмайди...

Ш. Имомовни яна саволга тутдик:

— 18 майдан бери нечта ариза тушди, ундан нечтаси бартараф этилди?

— Марҳамат. Мана, 9 та ариза тушган. Илгариги аризалар билан жами 11 та авария тузатилди. Буларнинг ҳаммаси кечиктириб бўлмайдиган аварияларр эди, ҳатто биттаси район ижроия комитети раисининг илтимоси.

— Кечирасиз, нечта ремонт бригадангиз бор?

— Нима, сиз мени сўроқ қилаяпсизми, — яна қизишди бошлиқ. — Умуман, танқид ёзмоқчимисиз?.. Э, ёзсангиз ёзаверинг. Нима, олса шу столимни олади-да?! Кейин, ёзсангиз объективроқ бўлинг. Бизнинг бор-йўғи 2 та экскаваторимиз анча вақт бузуқ ётди. Кечагина 1 таси ишга тушди. Ундан кейин биз жойларда содир бўлаётган аварияларни ўзимизча бартараф этишга ҳаққимиз йўқ. Бунинг учун олдин телефон, электр энергия, газ тармоқларидан вакиллар чақиртириб, жойни ўрганиб, кейин ишга киришамиз. Бу вакиллар эса чақиртирилган вақтда келавермайди...

Буёғи, кўриб турибсизки, «объективлик» эмас, балки баҳонага айланиб кетди. «Водоканал» трестидаги масъул ўртоқларнинг айтишича, ҳар қандай катта-кичик авария 3 кун ичида бартараф этилиши ёки сув тўхтатиб қўйилиши зарур. Истеъмол сувининг қанча машақкатлар билан водопровод жўмракларига етиб келишини билган ўртоқ Ш. Имомов наҳотки 6 кундан бери беҳуда оқиб ётган сувга жони ачимаса, виждони қийналмаса? Қолаверса, бу ишни бажариш бевосита унинг вазифаси-ку? У эса... У ё ўз вазифасига масъулиятсизлик, лоқайдлик билан қарамоқда ёки ҳақиқатан ҳам бу вазифани уддалай олмаяпти. Бунинг иккиси ҳам ёмон...

А. ҒУЛОМОВ.

ЧОРВАДОР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТИНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 4 (37)

ДАРОМАД МАНБАИ

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

СОВХОЗИМИЗДА ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йилида қўйчиликдан 30 минг сўм фойда олинди. Бу йил мўлжалимиз бўйича бу кўрсаткич янада кўпайиши кутилмоқда.

Биз бунга қандай қилиб эришмоқдамиз? Ҳар бир чорвадор, мутахассис ишлаб чиқаришга илғор фан ютуқлари, тажрибаларни жорий қилиш учун ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам пешқадам чўпонлар бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 110—115 тадан қўзи олдилар. Бир бош қўйдан кўплаб миқдорда мўлжалдагидан ошириб юқори сифатли жун қирқилди.

Биз ютуқларни мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Бутун диққат-эътибор қўй-қўзиларни соғлом ва дуркун қилиб ўстириш, давлатга сифатли маҳсулот топширишга қаратилган.

Бизда бир вақтлари жайдари қўйларнинг ҳар бошидан 1—1,2 килограммдан жун қирқиб олинарди. Давлат бу жуннинг килограммини 6 сўмдан харид қиларди. Саранжи зотли қўйларнинг эса жуни ярим майин ва гиламбоп. Кўпроқ маҳсулот беради. Ҳар бошидан кам деганда икки килограмм жун олиш мумкин. Бу жуннинг ҳар килограммини эса 17 сўмдан сотамиз. Яъни бир бош қўйдан жуннинг ўзидан 34 сўмдан, жайдари қўйга нисбатан 28 сўмдан кўп даромад олинади. Саранжи зотли қўйларнинг вазни ҳам анча оғир. Агар зоотехника қоидаларига қатъий амал қилиб, тўйдириб боқилса семизлиги юқори бўлади. Кўриниб турибдики, бундай зотли қўйларни урчитиб кўпайтириш ва боқишнинг фойдаси катта.

Бу мақсадга эришиш учун кўп меҳнат қилдик, изландик. Бундан ўн беш йил илгари Туркманистондан ана шу зотли қўйлар келтирилди, уларни маҳаллий жайдари қўйлар билан чатиштириб, тўғилган қўзилардан энг яхшиларини танлаб, саралаш ишлари илмий асосда йўлга қўйилди. Ниҳоят мақсадимизга эришдик. Ҳозирги пайтда яйловларда боқилаётган 40 мингдан ортиқ қўйларимиз асосан саранжи зотли қўйлардан иборатдир.

Кўп йиллик тажрибалардан мен шунга қатъий ишонч ҳосил қилдимки, бу тармоқни фойда келтирадиган соҳага айлантириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бирга селекция-наслчилик ишларини ҳам изчил олиб бориш керак. Бу соҳада қатъий режа, тартиб ўрнатилиши шарт. Қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижалар билан чатиштириб, ишни бўшаштириш асло ярамайди. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистон ССР чорвачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти, Ботаника боғи олимлари, мутахассислари, илмий ходимлари билан доимий алоқада ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз. КПСС XXVII съездида қабул қилинган партиямизнинг янги Программасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилганлиги бежиз эмас. Программада хусусан, қишлоқ хўжалигини индустриал асосларга ўтказишни тугаллаш, ҳамма ерда хўжаликни юритишнинг илмий системаларини жорий этиш, интенсив технологияни кенг қўлланиш, ердан фойдаланишни, яхшилаш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш, шу асосда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кескин кўтариш ва чорва маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилган.

Бу соҳада хўжалигимизда маълум ишлар амалга оширилди.

Қўйларнинг чўл шароитига мослашган сержун, сергўшт зотлари яратилди. Яйловлар самарадорлиги ошмоқда: сувсизликка чидамли, тўйимли, витаминга бой изензорлар барпо этдик. Ҳозирги пайтда қўйларни илгаригидек ташиб келтириладиган илиқ сув билан эмас, муздек қудуқ сувлари (бундай қудуқлар 35 та) билан суғормоқдамиз.

Ҳозирги пайтда соф саранжи зотли қўйлар подаси яратта олганимизнинг асосий боиси ҳам шунда деб ўйлайман. Бу қўйларнинг ҳар бири хўжаликка 60 сўмдан фойда келтирмоқда.

Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида хўжалигимиз меҳнаткашлари зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. 1987 йилнинг 1 январига қадар қўйлар бош сонини 45 минг атрофида сақлаб қолинишига, давлатга кам деганда 550 тонна гўшт, 55 тонна жун сотишга аҳд қилганмиз.

А. БАКИРОВ,
Охунбобоев номли совхоз директори.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

АПРЕЛДА ёғингарчилик бўлмади. Бунинг устига май ойининг биринчи ярми ҳам қуруқ келди. Бу ҳол Келес массиви яйловлари табиий ўтпоқлари ҳолатига ёмон таъсир кўрсатди. Бу массивда эса областдаги икки йирик хўжалик Калинин районига қарашли Охунбобоев номли, Чиноз районидаги Жамбул номли қўйчилик совхозлари жойлашган.

Бу йилги шароитда чўлда жойлашган хўжаликларнинг меҳнаткашлари ниҳоятда сабот, чидам билан иш олиб боришлари, озуқа масаласини ҳал этиш учун барча резервларни ишга солишлари, имкониятларни қидириб топишлари, қўйларни боқишнинг энг мақбул, самарали рационидан фойдаланишлари, чорвага қаровни ҳар жиҳатдан яхшилашлари, айниқса, янги туғилган қўзиларни асраб қолиб, соғлом ўстириш чораларини кўришлари талаб этилади.

Бу вазифа чўпонлар, уларнинг оилалари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Бугунги кунда ҳар икки хўжаликда ҳам кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиб ишлатиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар асосий диққат-эътиборни ана шу масалага қаратишлари керак. Совлиқлардан олинган ва боқиш учун қолдирилган урғочи қўзиларни тўла сақлаб қолиш, соғлом қилиб ўстириш, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида касалликка чалинмаслиги учун самарали чоралар кўриш зарур. Ҳар бир отарда чўпонларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Ун иккинчи беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган план ва топшириқларни ҳар соҳада бажарилишига эришиш керак.

Бугунги «Чорвадор» саҳифасида ҳар икки хўжаликда социал ва маданий-маиший муаммоларни ҳал этиш учун, қурғоқчилик шароитида озуқадан тежамли фойдаланиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида сўз юритилади.

2-бет.

БУ сурат Жамбул номли совхознинг 3-бўлимида айни жун қирқиш қизғин пайтида олинган. Бу ерда ҳар бир қўйдан 1,5 килограммдан жун қирқилди. Суратда: (чапдан) чорвадорлар К. Шайбеков, С. Жўлдасбеков, А. Эшимхонов, К. Элемесов ўртоқлар қирқилган жун сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Амалий ёрдам керак

1984 ЙИЛНИНГ қаҳратон қишини Жамбул номли совхоз чорвадорлари ҳали узоқ вақт эслаб юришади. Ўша йили қиш ҳаддан зиёд оғир келди. Бир неча кун давомида совуқ 40 даражадан пасаймади. Бунинг устига тўхтовсиз эсиб турган кучли шамол аҳволни янада оғирлаштириб, совхоз отарларидаги қўйларнинг кўп қисмини нобуд қилди, хўжаликка катта моддий зарар етказди.

Ҳозир орадан 1,5 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам ўша зарарнинг ўрни тўлгани йўқ. Планларни бажариш шундоқ ҳам оғир бўлиб турган бир пайтда бу йилги шароит совхоз чўпонлари учун кўп қийинчиликлар туғдирмоқда. Қиш ёғинсиз бўлди, баҳор илиқ келди. Натижада яйловларда ўт сийрак бўлиб қолди, яхши ривожланмади.

Хўш, нима қилиш керак, аҳволдан қандай қилиб қутулса бўлади? Ахир совхозда 43 мингдан кўпроқ қўй бор. Уларнинг кўп қисми сифатли жун ва гўшт берадиган саранжи зотли қўйлардир. Бу йил қўзилатиш мавсуми муваффақиятли ўтди. Ҳар юз бош совлиқдан 96 тадан, жами 13 минг қўзи олинди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўстириш учун қолдирилди.

Пўлат Мусиров, Жиянбек Алтеев, Ҳасан Кошкинбеков, Омон Шуйбеков каби тажрибали чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 125—130 тадан қўзи олишди.

Совхознинг 555 гектар суғориб ҳайдаладиган ери бор. Шундан 278 гектари бедазор. 250 гектарига эса дон учун, 24 гектарига силос учун маккажўхори экилади.

— Ана шу майдонлардан йиғиштириб олинадиган ҳосил чорва молларини қишда боқиш учун мўлжалланган, — дейди совхоз директори Жиянтой Бейсенов. — Бундан ташқари Сирдарё бўйидаги тўқайзорлардан янтоқ, қамиш, табиий пичан тайёрлар эдик. Бу йил ҳар доимги 2700 тонна ўрнига бор-йўғи 1000 тонна дағал хашак тайёрлашимиз мумкин, холос.

Ечимини кутаётган муаммолар

Шароит оғир келди, деб совхозда қўл қовуштириб ўтиришмайди, албатта. Барча мутахассислар, тажрибали чўпонлар мавжуд резерв ва имкониятларни чамалаб кўришди, обдон маслаҳатлашишди. Сўнгра район ҳамда область ташкилотларига мурожаат этишга қарор қилишди. Агар артезиан қудуқлари қазилса совхозга жуда катта ёрдам бўларди. Бу йилги сув танқислиги шароитида шундай қудуқлар жуда зарур. Аммо область яйлов-мелиоратив трести совхоз чўпонларининг мурожаатларига расмий муносабатда бўлди. Трестдан юборилган группа икки жойдан қудуқ қазиб, сув чиқаришга уриниб кўрди. Аммо ҳеч қандай натижа чиқмагач, қайтиб кетишмайди. Яйлов-мелиоратив трести, область агросаноат бирлашмасининг қишлоқ хўжалик техникаси таъминоти бўлими ҳеч бўлмаса ана шу насосларни созлаб беришса, совхозга катта ёрдам қилган бўлардилар.

2410 гектар майдонга кузда бошоқли дон экилган эди. Аммо сув камчил бўлганлиги сабабли у яхши ўсиб ривожланмади. Бўйи 15 сантиметрга ҳам етмай сарғая бошлади. Энди ундан дон умид қилиш ўрнига яйлов сифатида фойдаланган маъқул. Бунинг учун эса текшириб, акт ёзиш мақсадида областдан мутахассислар келиши керак экан. Аммо улар қачон келишади — номаълум. Бу муаммо ҳам ўз ечимини кутиб ётибди.

Совхозда қўйлардан ташқари анчагина қорамол, 2 мингга яқин парранда боқилади. Қўйчиликка ихтисослашган совхоз учун ҳозирги мураккаб шароитда бу ортиқчалик қилади, албатта. Чунки қорамол ҳам, парранда ҳам йил давомида ем талаб қилади. Бизнингча, Чиноз районги агросаноат бирлашмаси учун совхозларга олиб бериш пайти аллақачон келган.

Яна бир муаммо хусусида тўхталиш ўринлидир. Совхознинг суғориб ҳайдаладиган ери шундоқ ҳам кам бўлиши устига 250 гектар майдонга дон учун маккажўхори экиш, давлатга 300 тонна маккажўхори дони топшириши лозим. Бундан совхознинг ўзи ҳеч қандай наф кўрмайди. Аммо шунча майдонга беда экилганида 2500 тонна пичан тайёрланган бўларди. Мутахассислар шунча қўшимча озуқа билан бу йилги қийинчиликни бемалол енгиш мумкинлигини ҳисоб-китобда аниқладилар.

Ўтган йили совхоз 512 минг сўм зарар кўрди. Давлатга гўшт, жун, тухум топшириш планлари бажарилмади. Хўш, бу йил нима бўлади? Бу масала оғир аҳволда қолган совхоз чорвадорларининг ўзигагина боғлиқ эмас. Район ва область ташкилотларининг совхозга кўрсатадиган амалий ёрдамлари ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

А. ТОШКЕНБОЕВ.

3-бет.

ОХУНБОБОЕВ номли совхознинг чўпонлари қўзилатишни муваффақиятли ўтказдилар. Айни кунларда улар қўйларни яйловларда боқишни намунали ташкил этиб, қўзиларни тўла сақлаб қолиш учун курашмоқдалар. Суратда: совхознинг 2-бўлими отарларида (ўнгда) илғор чўпон У. Ўтеев.

А. Мальцев ва С. Искандаров фотолари.

ОЛИМЛАР МИНБАРИ

ИЛМИЙ АСОСДА

ҚИР-АДРЛАРДА ўт-ўланларнинг ўсиши бевосита обҳавога боғлиқдир. Агарда қиш ва баҳор фаслларида ёғингарчилик яхши бўлса у ҳолда Охунбобоев номли, Жамбул номли совхозларнинг кўп сонли отарларини яйловларда ўтлатиб боқиш учун имконият туғилади. Аксинча ёғингарчилик кам бўлса, май ойидаёқ қирлардаги ўтлар қуриб қолади.

Икки хўжаликда боқиладиган қўй 100 мингдан ортади. Ҳар қандай шароитда имкониятга эга бўлиш учун нима қилиш керак? Институтимиз ходимлари чорвадорлар билан узвий ва мустаҳкам ҳамкорликда ишлаб ана шу муаммони ҳал қилиш йўлларини қидирмоқдалар.

Табиий яйловлар ҳосилдорлиги ниҳоятда паст. Ёғингарчилик мўл бўлган мавсумда ҳам гектаридан бор-йўғи икки центнерга яқин ҳосил олиш мумкин. Шунинг учун ҳам олимларимиз чўл зонасида бу ҳосилдорликни беш-олти баравварга қўтариш вазифасини қўйдилар. Шу мақсадда чўлда экиб кўпайтириш учун ёввойи ўтларнинг қурғоқчиликка чидамли навлари танланди.

Ўн икки йил давомида изень ўсимлигининг 12 хили синовдан ўтказилди. Пухта текширишлар, таҳлиллар, саралаб олишлардан сўнг изеннинг юқори ҳосилли, сувсизликка ғоят чидамли навлари танланиб ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилди.

Натижада, ҳозирги кунда Охунбобоев номли совхозда 5,5 минг гектар майдонда, Жамбул номли совхозда эса 3,5 минг гектар майдонда изензорлар барпо этилди. Асосий озуқа экинининг ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 25—30 центнерни ташкил этяапти. Бундан ташқари изень уруғини етиштириш ва сотиш хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтираётир. Охунбобоев номли совхоз изень уруғи сотиш бўйича бугунги кунда Ўзбекистонда етакчи ўринни эгаллайди. Бу хўжалик Жиззах, Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғона области хўжаликларини уруғ билан таъмин этмоқда. Совхоз ҳар йили 60 тоннагача изень уруғи сотиш имкониятига эгадир.

Бизнинг бирғаликда олиб бораётган ишларимиз фақатгина изень экиб кўпайтириш билангина чеғараланиб қолаётгани йўқ, албатта. Олимларимиз қурғоқчиликка чидамли ва юқори ҳосил берадиган бошқа хилдаги ўсимлик турларини экиб кўпайтириш билан ҳам шуғулланмоқдалар. Бизнинг чўлдаги тажриба участкамиз 130 минг гектар майдонни эгаллаган.

Ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Охунбобоев номли совхоз изень уруғи етказиб берадиган йирик хўжалик бўлибгина қолмай, уруғликни механизация ёрдамида йиғиштириб олиш ташаббускори ҳамдир. Бу хўжаликда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти олимлари билан биргаликда «СК-5» ғалла ўрадиган комбайни қайта ускуналанди. Ва уруғлик изенни ўриб олишга мослаштирилди. Совхозда ишлаб чиқилиб амалга оширилган бу усул ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли хўжаликларида кенг қўлланилмоқда.

Н. ТЕМИРБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти ярим чўл зоналари станциялари лабораторияси мудири, биология фанлари кандидати.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

СОВХОЗИМИЗДА чўпонлар сулолалари жуда кўп. Мен ҳам ота-боболарим касбини танлаб, қўлимга чўпон таёғини олганимга 20 йилдан ошди.

Кейинги йилларда ишни яхши йўлга қўйиб, мўлжалдагидан ошириб қўзи ва жун олаётирман. Давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар мунтазам ортиғи билан бажаряпти.

Чўпоннинг меҳнати енгил эмас. Қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамасида ҳам ўз отарини тарк этолмайди. Баъзан шундай шароитга дуч келинадики, энг тажрибали чўпонлар ҳам нима қилиш кераклигини билолмай қоладилар. Менимча, бу йилги мавсум ҳам ана шундай мураккаб бўлса ажаб эмас. Одатда яйловларимизда март, апрель ойларида 8—9 марта ёмғир ёғарди. Бу йил эса 2 марта ёғди, холос.

Менинг отаримда 400 бош совлиқ ва 528 та қўзи бор. Бу йилги сув кам ва ўт-ўланлар қовжираб кетган шароитда уларни қандай асраб қолиш мумкин? Ўзимнинг содиқ ёрдамчим, умр йўлдошим Одатиной билан маслаҳатлашиб, ёз бўйи отаримиздаги қўйларни боқадиган яйловни танладик. Биз ҳар йили борадиган Бордонқўл массивида ўт жуда қалин бўларди. Бу йил эса у ерда ҳам ўт-ўланлар сийрак бўлди. Аммо тоғ бағирларидаги ҳар бир дара ва сойларни алоҳида ҳисобга олдик. Бундан ташқари бир нечта эски қудуқларни кўздан кечириб, фойдаланишга яроқли қилиб қўйдик. Шунингдек, совхоз раҳбарлари ҳам зарур бўлиб қолган пайтларда сув ташиб етказиб беришни ваъда қилдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, биз кўраётган бу чоралар мавжуд ҳамма муаммоларни ҳал қилиш имконини бермайди, албатта. Бу йил олинган қўзиларни тўла сақлаб қолиш, отарлардаги ҳамма қўйларни қишга соғлом ва семиз ҳолда олиб келиш район ташкилотларининг ёрдамига ҳам боғлиқ бўлади.

П. МУСИРОВ,
Жамбул номли совхоз катта чўпони.

4-бет.

КЕЛЕС массиви яйловларини қўлда таёғим билан жуда кўп кезганман. Ҳар гал бу ерларда бўлганимда бойлик яратувчи, кузу-қишнинг аччиқ изғиринлари, саратон жазирамасига бардош бериб, чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб меҳнат қилаётган чўпонлар билан учрашаман. Уларнинг саботматонатига, чидамига қойил қоламан. Бу фидокор кишилар чўлнинг қалтис «ҳазил»ларини, табиатнинг қийинчиликларини назар-писанд қилмайдилар.

Дарвоқе Охунбобоев номли совхозга бора туриб, йўлда ана шундай қалтис «ҳазил»нинг гувоҳи бўлдим. Қум аралаш бўрон чунонам туриб бердики, кўз очирганни қўймади. Бир амаллаб совхозга етиб келдим.

— Бу оддий воқеа, — деб айтишди совхоздагилар. Ҳафтада икки-уч марта кучли бўрон бўлиб туради. Биз ўрганиб қолганмиз.

Ана шунақа, чўл кишилари ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодирдирлар. Эл-юртим фаровон, тўқ, тинч, осойишта ҳаёт кечирсин, деб кечани кеча, қундузни қундуз демай меҳнат қиладилар.

Партиямизнинг XXVII съездида инсон омили ҳақида жиддий гаплар бўлди. Ҳар бир касб эгаси ўз қобилиятини тўла ишга солиши учун унга барча шарт-шароитларни яратиб бериш, кайфиятни кўтариш зарурлиги уқдирилди. Съезднинг бу кўрсатмаси массивда қандай бажарилаяпти? Чўпон-чўлиқларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаяптими?

Қир-адирларни кезарканман, мени кўпроқ шу масалалар қизиқтириб қолди. Тўғри-да, чўпон узоқ яйловларда меҳнат қилади. Рўзғори бут бўлса, вақтида маданий-маиший хизмат кўрсатиб турилса, берилиб ишлайверади. Хўш, бу муаммолар қандай ҳал қилиняпти? Афсуски, ижобий жавоб бериш мушкул.

Тўғри, ҳар икки совхоз марказигача асфальт йўл ётқизилганлигига бир йилча вақт бўлди. Демак, чўпонларнинг узоғи яқин қилинди.

— Гапнинг рости, — дейди Жамбул номли совхоз ишчилар комитетининг раиси А. Саксенбоев. — Йўл тушгандан сўнг ташвишларимиз кўпайиб кетди. Нега дейсизми? Илгари Чиноз марказига бориш учун қир-адирлар оша 4—5 соат йўл юришга тўғри келарди. Ҳозир эса асфальт йўлдан узоғи билан 1,5 соатда етиб борамиз. 112 та чўпон хўжалигининг деярли ҳар биттаси ўзининг енгил машинасига эга. Оила боллиги ёки оила аъзоларидан бирон кишининг марказга бориб келиши учун кўп вақт кетмайди, албатта. Лекин, шуниси ҳам борки, қишлоқдагилар, дейлик чўпонлардан Ҳасан ака ёки Жиянбойлар шаҳарга кетаётганлигини эшитиб қолишса, дарҳол уларнинг ҳузурига

ЧЎЛДА ИШЛАШ ОСОНМАС...

етиб келишади. Менга уни олиб келинг, менга буни олиб келинг, деб илтимос қилишади. Айримлар эса телевизор ёки радиоприёмникларини ремонт қилдириб келишни сўрашади. Албатта, ҳамманинг илтимосини қондириш амри маҳол.

Ҳар икки хўжаликда ҳам аҳвол шундай. Табиийки, раҳбарлар қўлларини қовуштириб туришмайди. Чўпонларнинг илтимосларини бажо келтириш учун ҳаракат қилишади. Лекин ҳамма вақт ҳам бу ишнинг уддасидан тўла чиқиб бўлмайди. Чунки, ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар жуда кўп.

Жамбул номли совхозни олиб кўрайлик. Яқинда совхознинг марказий қишлоғи ва 2-бўлими электрлаштирилди. Барча қишлоқлар, хуторларга ичимлик сув келтирилди. Ўтган йилнинг ўзида чўпонлар учун 4 та фельдшерлик пункти, 25 ўринли касалхона очилган. Совхозда клуб ҳам бор. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган.

Охунбобоев номли совхозда ҳам ободончилик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу ерда ҳатто район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчилик цехи филиали очилган. Бироқ, белгиланган тадбирлар, амалга оширилаётган ишларга қарамай чўпонларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш унчалик яхши эмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

Мисол учун электр таъминотини олиб кўрайлик. Бу иш Жамбул номли совхознинг маркази ва иккинчи бўлимидагина бир оз дуруст. Шу хўжаликнинг 3-ва 5-бўлимларига симлар тортиб қўйилибди-ю, бироқ уч ойдан буён қувват берилмаяпти. Чиноз район электр тармоқлари ходимларидан бунинг сабабини сўрасангиз, трансформатор йўқ, деган баҳонани рўкач қиладилар. Муҳим ишга шундай муносабатда бўлиш инсофданми, ахир. 200 га яқин чўпон оиласи шу кунга қадар электр йўқлигидан холодильник сотиб ололмаяпти, телевизор кўролмаяпти. Электр қурилмаси ишлаб турибди-ку, деб айтишлари мумкин. Лекин унинг вақти ҳам, қуввати ҳам чеграланган-да! 1- ва 4-бўлимларга эса симёғочлар йўқлиги туфайли ҳалигача электр чироғи келтирилмаганига нима дейсиз?

Охунбобоев номли совхозда 3 та магазин бор. Бироқ, улардан кўнглингиз тусаган, хоҳлаган турдаги буюмларни сотиб ололмайсиз. Ана шу совхоздаги, биз юқорида айтиб ўтган район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчилик цехи филиали гоҳ ишласа, гоҳ ишламайди.

Бу соҳада ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас. Жамбул номли совхознинг касалхонасида бор-йўғи битта врач ишлаяпти. Совхоздаги клуб, кутубхона хизмати ҳам чўпонларни қаноатлантирмайди.

Мен қатор кишилар, чўпонлар ва бошқа касб эгалари билан учрашдим, суҳбатлашдим. Чўпонлик касбининг шону-шарафи, истиқболи, масъулияти ва бу соҳадаги муаммолар ҳақида фикрлашдик. Айниқса, чўпон кадрлари ҳақида жиддий баҳслашдик. Тўғри, бу масала алоҳида суҳбатни тақозо этади. Бироқ, маданий-маиший хизмат савиясини яхшилаш — бевосита чўпон кадрларининг маҳоратини ошириш, уларнинг қўнимини таъминлаш билан боғлиқ эмасми, ахир! Ҳозирги ёшларнинг талаби бутунлай бошқача. Улар — чўпонларнинг фарзандлари худди шаҳардагидек яшаб, меҳнат қилишни, дунё воқеалари, янгиликларидан доимо хабардор бўлишни орзу қиладилар.

Совхозда ёш чўпонлар орзу қилаётган ҳамма имкониятлар, шарт-шароитлар борми? Агар ҳар икки совхозда меҳнат қилаётганларни ёш жиҳатидан таҳлил қиладиган бўлсак, ҳали ҳамма имкониятлар етарли эмас, деган қарорга келамиз. Чўпон кадрларнинг 60 процентдан кўпроғини катта ёшдаги кишилар, 30 процентгача бўлган қисмини ўрта ёшдаги кишилар, атиги 10 процентга яқинини эса ёшлар ташкил этади.

— Маҳоратли, тажрибали чўпонлар фақатгина чўпон ўғиллари ва набираларидан етишиб чиқади, — дейди Охунбобоев номли совхознинг директори А. Бакиров. — Бунга менинг ишончим комил. Шунинг учун ҳам биз ёшларнинг хўжаликда қолиб, муқим ишлашлари учун имконият яратиб беришимиз зарур. Биз шунга ҳаракат қилаяпмиз. Ёш чўпонларни тажрибали чўпонларга бириктириб қўйганмиз. Мураббийчилик ҳаракатини авж олдирганмиз. Чўпон оилаларидан чиққан ёшларнинг комсомол тўйлари ўтказишларини ҳар томонлама рағбатлантирамиз. Улар учун янги турар-жойлар қуриб берамиз. Лекин, бу тадбирларимизнинг ўзи камлик қилади, албатта.

Директор ҳақ гапни айтаяпти. Йўл қуриш, сув келтириш, электрлаштириш билангина муаммоларни тўла ҳал этиб бўлмайди. Ҳали кўп иш қилиш керак. Ишни янгичасига ташкил этиш, инсон омилидан самарали фойдаланиш учун изланиш, белгиланган тадбирларни бекаму-кўст амалга ошириш зарур. Бу ҳаёт талабидир.

Чўпон ота сўзларини оққа кўчирувчи:

М. ЕГОРОВ.

ЖАМОАТЧИ РЕДКОЛЛЕГИЯ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро Тошкент кинофестивали давом этмоқда

СЎЗ — МЕҲМОНЛАРГА

ТИНЧЛИК ХИЗМАТИДА

Харибаун ЭЗЕДИН,
кинорежиссёр, Тунис телевидениесининг масъул ходими

— Мен СССР Кинематографчилар союзининг V съездида меҳмон сифатида иштирок этиб, энди Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро Тошкент кинофестивали тўғрисида ҳужжатли фильм яратиш мақсадида бу ерга келдим. Чунки бу кинофорум ўзининг мўътабар шонли ва кенг кўлами билан бутун дунё киносанъаткорларини ўзига жалб этмоқда. Уч қитъа экран усталари Ўзбекистон пойтахтида учрашиб, ўзлари яратган турли мавзу ва жанрлардаги картиналарини намойиш қилиш билан бир қаторда, бир-бирларидан маҳорат сирларини ўрганмоқдалар, жаҳон кино санъатида вужудга келаётган ижодий тенденциялар юзасидан атрофлича фикрлашиб олиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Тунисда ҳар йили ўрта ҳисобда 4 та бадиий, 20—25 та ҳужжатли фильм ишлаб чиқарилади. Тунислик санъаткорлар бу галги Тошкент кинофорумига бир неча картиналар олиб келишди. Улар орасида режиссёр Умар Халифийнинг «Ютуқ» бадиий фильми, Муҳаммад Дамоқнинг мамлакатимизда футбол тараққиётига бағишланган «Кубок» ҳужжатли лентаси бор.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро Тошкент киноанжуманини дунёда тинчлик барқарор бўлиши учун хизмат қилаверсин!

ЭЗГУ МАҚСАД

Родольфо ИСАГИРРЕ,
кинотанқидчи, Венесуэла кинематографиясининг директори

— Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Халқаро Тошкент кинофестивалида 1980 йилдан бошлаб қатнашмоқдаман. Айтишим керакки, дунёнинг бошқа бирон бир жойида ҳар жиҳатдан фойдали бўлган бундай кино форум йўқ. Чунки мазкур кино кўрик уч қитъа кинематографияси вакилларининг ижодий изланишларига кўмаклашмоқда, уларни бир-бирларига яқинлаштирмоқда.

Утган йили мамлакатимизда 17 та бадиий фильм суратга олиниб, томошабинларга тақдим этилди. Характерли томони шундаки, бу картиналарнинг муаллифлари ҳаётни ҳаққоний кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Бундан ташқари, ҳар йили кўплаб қисқа метражли ва ҳужжатли ленталар яратилмоқда. Аммо, бизда мультипликацион фильмлар жуда кам. Кино санъатимизнинг Роман Шалваут, Карлос Реболедо, Карлос Аспуруа сингари таниқли режиссёрлари прогрессив йўналишда фаол ижод қилиб, ўзларининг турли мавзулардаги ўткир сюжетли асарлари билан томошабинлар эътиборини қозонмоқдалар.

Қизиқарли учрашув ва ижодий суҳбатларга бой бўлаётган уч қитъа кинематографчиларининг IX халқаро Тошкент кинофестивали инсониятнинг эзгу мақсадлари — планетамизда тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида дўстлик ва бир-бирларига ишончнинг қарор топишида катта аҳамиятга эгадир.

◆ IX халқаро Тошкент кинофестивалининг ҳар бир куни қизиқарли учрашувлар ва ижодий суҳбатлар билан ўтмоқда. Санъаткорлар ўз асарларини намойиш қилиш билан бир қаторда ҳамкасблари билан ижодий мулоқотда бўлмоқдалар, республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томоша қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) «Ўзбекфильм» киностудиясининг актёри Ўлмас Алихўжаев нигериялик меҳмон Брендал Шеху билан суҳбатлашмоқда.

А. Зуфаров фотоси.

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

ТАНИШИНГ: МЕКСИКА КИНОСИ

ҲОЗИРГИ пайтда Мексика киноси мунтазам экранлардан тушмай келаётган, коммерция мақсадларини кўзлаб ишланган енгил-елпи картиналар оқимини кескин камайтириш чораларини излаётган бир жараённи бошидан кечирмоқда. Мамлакатда 4 мингга яқин кинотеатр мавжуд. 1983 йили Мексика ҳукумати оммавий ахборот воситаларини қайтадан ташкил этиш мақсадида Мексика кинематография институти, телевидение ва радио институтларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кинорежиссёр Альберто Исаак (унинг «Бўрилар вақти» фильми 1982 йилги VII халқаро Тошкент кинофестивалида намойиш этилган эди) директорлик қилаётган кинематография институти чет эл, жумладан, Совет Иттифоқи билан ҳамкорликда бир қатор фильмларни суратга олишни мўлжаллаган. Испан режиссёри Карлос Саурининг тарихий шахслар — Антоньета Ривас Меркадо ва Хосе Васконселлосларнинг фожиали тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи «Антоньета», бразилиялик режиссёр Руй Герранинг Колумбия ёзувчиси Габриэль Гарсиа Маркес ҳикояси бўйича суратга олган «Эрендира» фильмлари шулар жумласидандир.

Мексика киносининг кўпгина етакчи режиссёрлари маълум пайтгача сукут сақладилар, лекин уларнинг баъзилари ҳозирги кунда ижодий режаларини амалга оширмоқдалар. Мексика ҳужжатли киносининг моҳир ижодкорларидан бири Поль Ледукнинг «Митти бола билан бўлган ман этилган воқеалар» фильми бундан олдинги Тошкент кинофестивалида намойиш этилган эди.

Комедияли ва музикали фильмлар Мексика экранларида доимо намойиш қилинади. Роберто Гавальдон, Рене Кардона, Марио Эрнандеслардан иборат бир гуруҳ режиссёрлар «Яшасин Мексика ва унинг қўшиқлари!» деб аталган ўзига хос музикали антология яратдилар.

Мексика киносанъаткорлари инқилобий мавзуга ҳамкатта эътибор билан қарамоқдалар. Франсиско Герреронинг «Шимоллик исёнчи» фильми диктатор Порфирио Диас зулмига ва помешчик-феодаллар тузумига қарши курашган халқ қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилади.

Замонавий мавзуларни кўтариб чиққан жиддий, мунозарали ленталар Мексика кинематографиясида жуда оз. Филикс Касальснинг «Автоматдан кетма-кет узилган ўқ» картинаси шу мавзуда яратилган, холос. Баъзи фильмлар полициячилар фаолиятини ёритувчи детектив жанрда ишланмоқда. Жумладан, «Меҳмонхона» деб номланган фильм бу борада қилинган энг муваффақиятли ишлардан биридир.

Кейинги йилларда «Чиканос» деб аталган ўзига хос кино ижодкорлари группаси пайдо бўлиб, бу санъат Мексика киноси билан узвий боғланган. Чиканос — АҚШда, асосан Техас штатида яшовчи мексикаликларнинг фарзандлари, демакдир. «Чиканос» кино санъати ҳали жуда ёш, лекин унинг биринчи маҳсулоти — режиссёр Хесус Тревиньонинг «Қонли илдизлар» бадиий лентаси катта шуҳрат қозонди. Режиссёр Луис Вальдеснинг «Зут Сут» (бу сўз «Мексика костюми» деган маънога яқин туради) фильми ҳам халқаро экранда муваффақиятли намойиш этилди.

Кўриниб турибдики, Мексика кино санъати усталари даврнинг энг қизғин масалалари хусусида экран орқали ҳикоя қилиш учун ижодий изланишни давом эттирмоқдалар.

Ж. АСАДОВА.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

«ДЕЛЬФИН» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ангрен шаҳридаги «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт комплексининг «Дельфин» сузиш ҳавзаси спорт ишқибозларининг севимли жойларига айланган. Бу бежиз эмас. Бу ерда уларнинг мароқли дам олишлари ҳамда саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биргина сузиш ҳавзасида 35 нафар малакали мутахассислар спорт ихлосмандлари билан иш олиб боришади. Улар фақатгина тўгаракларда машғулотлар олиб бориш билан кифояланмай, сузиш ҳавзаси ҳар томонлама замонавий талабларга жавоб бериши учун ҳаракат қилишади.

Айни пайтда сув ҳавзаси меҳнаткашларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш марказига айланди. Бу ерда шаҳардаги 3-болалар ва ўсмирлар мактаби сузувчилари ҳам ўз машғулотларини ўтказиш билан бир қаторда йирик мусобақалар ҳам уюштириб туришади. Жумладан, шу йили «Дельфин»да сузиш бўйича республика кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ангренликлар муваффақиятли иштирок этиб, кубок соҳиби бўлишди. Шунингдек, «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг республика биринчилиги мусобақалари ҳам ана шу сув ҳавзасида ўтказилди. Айни кунларда маҳаллий ўқувчи-спортчилардан 8 нафари маориф министрлиги терма командаси сафида 1987 йилда Кишинев шаҳрида бўлиб ўтадиган мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадасига тайёргарлик кўрмоқдалар.

«Дельфин» сув ҳавзасида йилига 200 мингга яқин ишчи-хизматчилар ҳам мароқли дам оладилар. Яқин келажакда бу ерда гимнастика зали, баскетбол, теннис, волейбол майдончалари барпо этиш назарда тутилган.

А. ҲАКИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН XX СПАРТАКИАДАСИДА

ДЗЮ-ДО

СПАРТАКИАДАнинг бу тури мусобақалари Бухоро шаҳрида давом этмоқда. Айрим вазнларда чемпионлар аниқланди, 86 килограммгача вазнда Тошкент области вакили Игорь Поздняков ғолиб келди, 95 килограммгача вазнда ҳам областимиз спортчиси Димитрий Соловьев биринчи бўлди. Ўта оғир вазнда тошкентлик Александр Храмцовский ғалабага эришди

ЧАВАНДОЗЛИК

ТОШКЕНТ ва Чирчиқ спорт базаларида беш кунлик беллашувлардан сўнг Тошкент шаҳри чавандозлари 527 очко тўплаб олдинда боришмоқда. Тошкент области вакиллари андижонликлардан сўнг учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Уч курашда «Пахтакор» вакили В. Махитрин ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилди.

СИНХРОН СУЗИШ

ЎТГАН куни бошланган бу тур мусобақаларида 40 спортчи қатнашмоқда. Дастлабки кун аёлларнинг шахсий беллашувида «Меҳнат» вакили Лариса Гуртовник ғалабага эришди.

ТАБИАТ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Бугун шаҳримизнинг М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида табиатни муҳофаза қилиш область жамиятининг «Табиат болалар нигоҳида» кўргазмаси очилади. Кўргазмада областимизнинг турли шаҳар ва районлари мактаб ўқувчиларининг чизган расмлари ҳамда амалий ишлари намойиш қилинади.

Кўргазма икки кун давом этади. Бу ерда ижодкорлар билан учрашувлар, қўғирчоқ театрлари томошалари, шунингдек, оммавий ўйин ва қизиқарли конкурслар ҳам ўтказилади.

Қ. ҒУЛОМОВ.

Халқаро ҳаёт

КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ

◆ БЕРЛИН. Саккизта социалистик мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи Фанлар академиялари давлат ва ҳуқуқ институтлари директорларининг бу ерда очилган кенгаши диққат марказига қардош партиялар съездларининг қарорлари асосида ижтимоий ривожланиш ва илмий тадқиқотларнинг энг муҳим масалалари қўйилган. Учрашув иштирокчилари 1990 йилгача биргаликда илмий ечимларни амалга оширишга, шу беш йилликда институтлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни айирбошлашга оид тадбирларни мувофиқлаштириб олишлари керак.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ УЧУН

◆ КАРАКАС. Йирик капиталистик давлатлар Лотин Америкаси билан савдо-сотиқда манфаатпарастлик тўсиқларини кучайтираётганлиги қитъа мамлакатлари экономикасига катта зарар етказиб, уларнинг экспорт даромадлари камайишига ва Ғарбдаги кредит берувчи банклардан қарзнинг ғоят тез кўпайишига олиб келмоқда. Лотин Америкаси иқтисодий системасининг бош секретари Себастьян Алегрет бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирди.

Ғарб давлатлари, деди у, таможния тўсиқларининг ҳар қандай турларини жорий этиш йўли билан Лотин Америкаси мамлакатларидан олинадиган хом ашё товарлари нархини сунъий равишда туширмоқдалар. АҚШ, Япония ва Европа иқтисодий ҳамжамиятининг камситувчи чоралари натижасида 1980 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда Лотин Америкаси мамлакатлари анъанавий экспортининг энг муҳим маҳсулотлари нархи уларнинг реал таннархига нисбатан 32 процент, айни вақтда бултурнинг ўзидаёқ қарийб 15 процент арзонлашди.

С. Алегрет Лотин Америкаси иқтисодий системасига аъзо бўлган мамлакатлар ҳукуматларини капиталистик мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли савдо-иқтисодий ва молиявий муносабатлар ўрнатилиши учун курашда ягона стратегияни ишлаб чиқишга даъват этди.

(ТАСС).

25 МАЙ — АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ

Эртага бутун тараққийпарвар инсоният Африка Озодлиги кунини нишонлайди. Колонализм асоратидан озод бўлган кўпчилик Африка мамлакатлари мустақил тараққиёт йўлидан тобора жадал бормоқдалар. Шулардан бири Ангола Халқ Республикасидир. Бу мамлакат жаҳон империализмининг, жанубий Африка ирқчиларининг ифвогарликлари ва ғаламисликларига қарамай иқтисодий ва социал тараққиёт йўлидан барқарор бормоқда. Бунда Ангола хотин-қизларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар эркаклар билан бир сафда туриб мамлакатнинг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона курашдилар, эндиликда эса завод ва фабрикалар, давлат фермалари ва ишлаб чиқариш кооперативларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ушбу суратда анголалик деҳқон аёлни кўриб турибсиз.

АДН—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ГАВАНА. Савдо ходимлари халқаро касаба союз бирлашмаси ижроия бюросининг бу ерда ўз ишини тамомлаган мажлиси қатнашчилари СССРнинг ҳар қандай ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб қўйишини шу йил 6 августгача узайтириш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватловчи баёнот қабул қилдилар. Мазкур халқаро бирлашма 63 мамлакат касаба союзларининг 23 миллион аъзоси манфаатларини ҳимоя қилади. Мажлис қатнашчилари АҚШ маъмуриятига мурожаат қилиб, ядро портлатишларини дарҳол тўхтатишга ва Совет Иттифоқидан намуна олишга даъват этдилар. Ижроия бюро аъзолари жаҳон савдо ходимларини шу йил 1 сентябрда жаҳон касаба союзлари федерациясининг ташаббуси билан уюштириладиган тинчлик учун кураш халқаро касаба союз ҳаракати кунини ўтказишда актив қатнашишга чақирдилар.

●

ВЕНА. Венада атом энергияси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) бошқарувчилари кенгашининг махсус сессияси ўз ишини тамомлади. Сессия ишида 35 давлат, шу жумладан Совет Иттифоқи вакиллари иштирок этдилар. Бошқарувчилар кенгаши МАГАТЭ бош директори Ханс Бликсга ядро энергетикаси хавфсизлигини таъминлаш юзасидан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги ишларнинг конкрет планини ишлаб чиқишни топширди. Мазкур планни МАГАТЭга аъзо бўлган давлатлар шу йил июнь ойида кўриб чиқадилар.

●

САН-ФРАНЦИСКО. Калифорния штатидаги Ванденберг ҳарбий-ҳаво базасидан МХ қитъалараро баллистик ракетаси яна синаб кўриш мақсадида учирилди. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг вакили синов «муваффақиятли ўтганлиги»ни айтди. Ракета жанговар мақсадларга энг кўп даражада яқин шароитда амалга оширилди.

(ТАСС, 22 май).

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОВАРЛАР ПОЧТА ОРҚАЛИ

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!
РОСПОСИЛТОРГНИНГ

Москва марказий савдо базаси

БОЛАЛАР УЧУН ТОВАРЛАРНИНГ БОЙ АССОРТИМЕНТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
ТРИКОТАЖ МОЛЛАРИ

Болаларнинг ясли гарнитурлари (ползункалар ва кофтачалар), 22—24 размерлар, —3 сўм 40 тийиндан 5 сўмгача.

Болалар ползункалари, ип-газламадан тикилган — 65 тийиндан 2 сўм 70 тийингача.

Болалар колготкалари, ип-газламадан бошқа толалар аралаштириб тикилган. 16, 18, 20 размерлар — 1 сўм 40 тийиндан 2 сўм 50 тийингача.

Болаларнинг ярим жун рейтузалари, 30, 32, 34, 36, 38, 40 размерлар—5 сўмдан 14 сўмгача (баҳоси размерига қараб).

Қиз болалар учун бош кийим гарнитурлари, тивитдан тўқилган (шапкачалар ва шарфчалар) **54—56 размерлар** 12 сўмдан 15 сўмгача.

Қўлқопчалар —6, 7, 8, 9 размерлар —1 сўм 65 тийиндан 5 сўмгача (баҳоси хом ашёга қараб).

Болаларнинг спорт фуфайка (футболка)**лари, зангори тусдаги сидирға ип газламадан тикилган.** 30, 32, 34, 36, 38, 40 размерлар — 70 тийиндан 1 сўм 20 тийингача.

Болаларнинг ип газламадан тикилган сидирға ранг майкалари 30, 32, 34, 36, 38, 40 размерлар — 60 тийиндан 1 сўм 40 тийингача.

Ип газламадан тикилган болаларнинг трусилари. 26, 28, 30, 32, 34, 36, 38, 40, 42 размерлар —68 тийиндан 2 сўмгача.

ТИКУВЧИЛИК БУЮМЛАРИ

Чақалоқлар учун кийимлар комплектлари, 14 предмет (распашонка, кўйлакча, йўргак, чепчик, чойшабча, кўрпа ғилофлари)дан иборат —ўртача баҳоси 24 сўм.

Ип газламадан тикилган болалар йўргаклари —ўртача баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Болаларнинг пахталик одеяллари, авраси атласдан, аҳтари ип газламадан тикилган. 118х118 см ҳажмда — ўртача баҳоси 13 сўм.

Болаларнинг пахталик одеяллари, авра-астари ип-газламадан, 118х118 см ҳажмда —ўртача баҳоси 5 сўм.

Болаларнинг пахмоқ одеяллари, турли хил тусда, 100х130 см ҳажмда —4 сўмдан 5 сўмгача.

Зиғир толасидан тикилган болаларнинг рангдор ва гулли чойшаблари, 125х110 см ҳажмда —3 сўм 20 тийин.

ЎЙИНЧОҚЛАР
СТОЛ ЎЙИНЛАРИ

Мактаб ёшидаги болалар учун стол футболи, бўйи 551 миллиметр —эни 209 миллиметр — 5сўм 65 тийин.

Ёғочга куйдириб расм, ёзувлар, нақшларни туширишуҳун асбоб. Қуввати 220 в.—7 сўмдан 9 сўм 50 тийингача.

«Ойдаги саргузашт» (ўйин майдони) **икки хил кубиклар, 4 та самолёт моделлари, уч рангда жетон** — 85 тийин.

«Швамбранияга саёҳат» (ўйин майдони, компас-соат мили, Вимпель 5 дона кемачалар фишкаси) —1 сўм.

«Мўлжалга ур» (ўйин-нишон майдони) **коробканинг тагига жойлаштирилган, 3 дона ўқ ва очколар варақасига эга** — 1 сўм 40 тийин.

«Тез, баланд, кучли» (қўш ўйин майдони, кубик ва 4 та фишка) —1 сўм 20 тийин.

«Парашютчи» (парашютнинг ипак гумбази, парашютчининг шакли ва рогатка) —1 сўм 15 тийин.

УЗИ ЮМШОҚ ЎЙИНЧОҚЛАР ТИКИШНИ СЕВУВЧИЛАР УЧУН ЙИҒМАЛАР

Мушукча — 1 сўм 90 тийин;
Кучукча — 1 сўм 80 тийин;
Қуёнча —1 сўм.
Бегемот —1 сўм.

ҚУҒИРЧОҚЛАР

«Аринка» —пласстмасса ва резинадан ясалган, кўзини юмиб очиб овоз чиқаради—6 сўмдан 8 сўмгача.

«Олеся» —пластмассадан ясалган, кўзини очиб-юмиб овоз чиқаради —11 сўм.

«Қулоқсиз Алёнка» (бутилка билан) — пластмассадан ясалган кўзини очиб-юмиб овоз чиқаради, размери 65 см. —11 сўм.

«Вика» (сўрғич билан)—пластмассадан ясалган кўзини очиб-юмиб овоз чиқаради —8 сўм.

«Нина» (ҳаракатланади) —пластмассадан ясалган кўзини очиб-юмиб овоз чиқаради. —12 сўм 50 тийин.

«Марина» —пластмассадан ясалган кўзини очиб-юмиб овоз чиқаради —8 сўмдан 10 сўмгача.

СУНЪИЙ МЎЙНАДАН ЯСАЛГАН ЮМШОҚ ЎЙИНЧОҚЛАР

Айиқ — размерлари 55 см.дан 67 см.гача — 9 сўмдан 15 сўмгача

Микки-маус—сунъий мўйнадан ясалган, размери 83 см. —30 сўм.

Олмахон—5 сўм 90 тийин.

Гулли ёстиқ, диаметри 48 см —7 сўм 30 тийин.

«Кичкинтой ёстиғи —узун мўйли сунъий мўйнадан тикилган, ичи паралон қийқимлари билан тўлдирилган—9 сўм.

ДАМ БЕРИЛАДИГАН ЎЙИНЧОҚЛАР

Чебурашка —1 сўм.

Скутер —2 сўм 40 тийин.

Ҳавза — 3 сўм 80 тийин.

Йўргакча — 70 тийин.

Ғилдирак (чиройли пуфланадиган) —2 сўмдан 3 сўм 40 тийингача.

МЕТАЛЛ ЎЙИНЧОҚЛАР

«Вездеход» корпуси пластмассадан ясалган, микро электрон моторли механизми бор —3 сўм 50 тийин.

«Лунаход» (ҳаракатланувчи) бурама—1 сўм 80 тийин.

Ошхона идиш-товоқлари йиғмаси — 5 предметдан иборат — 1 сўм 80 тийин.

«Салют» музикали пирилдоқ, учқун берадиган механизми бор — 1 сўм 50 тийин.

БОЛАЛАР УЧУН ОВҚАТЛАР

Ёш болаларга аталган масаллиқлар ўзининг озуқавий қиймати ва тез ҳазм қилиниши жиҳатидан она сутига жуда яқин туради. Бундай масаллиқлар янги соғиб олинган сигир сутига қаймоқ, ўсимлик мойи, қанд, калий ва натрий тузлари, А, С, В, Д, Е ва болалар организмининг дастлабки ойларида ривожланиши учун жуда зарур бўлган темир препаратлари аралаштириб тайёрланади.

БИР ОЙЛИК ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

«Малиш» (гуруч, гречиха унидан, талқонидан тайёрланади) —1 сўм 40 тийин.

«Малютка» —1 сўм 40 тийин.

УЧ ОЙЛИК ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

Сут талқони (гуруч унидан тайёрланади) —56 тийин.
Сут талқони (жавдар унидан тайёрланади) —44 тийин.

БЕШ ОЙЛИК ВА УНДАН КАТТА БОЛАЛАР УЧУН

Манний бўтқаси —50 тийин.
Гуруч бўтқаси —55 тийин.
Гуруч уни —44 тийин.

Буюртмалар 1 сентябргача қабул қилинади.

База харидорлар буюртмасига кўра устама ҳақ олиш йўли билан товарлар жўнатади (ҳақ посилка олингандан сўнг почтага тўланади).

Буюртмаларни қуйидаги адресга юборинг: 111126, Москва шаҳри, Е—126, Авиамоторная кўчаси, 50-уй.

Роспосилторгнинг марказий савдо базаси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р. — 08773. Б. — 1609. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12